

Н.Х.Хайдаров,
иқтисод фанлари доктори, профессор

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИМКОНИАТЛАРИ

Мамлакатлар миллий иқтисодиётини ташкил этиш ва давр талабига ҳамоҳанг ривожлантиришда ҳар бир иқтисодий категория ўзига хос вазифаларни бажариб муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий категориялар таркиби хилма-хил ва ранг-барангдир, лекин уларнинг ҳар бири миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ўзига хос хусусиятга эга. Буни босиб ўтган иқтисодий тажрибалар яққол намоён этиб турибди. Масалан, молия иқтисодий категорияси мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш асосида давлат ихтиёрида марказлашган пул жамғармаларини ташкил этса, хўжалик субъектлари ихтиёрида номарказлашган пул фондларини ташкил этиш ва фойдаланишга шароит яратади. Кредит иқтисодий категорияси давлат, хўжалик субъектлар ва айрим аҳоли қатлами ихтиёрида шаклланган ортиқча молиявий ресурсларни айна шундай молиявий ресурсларга муҳтож бўлган субъектларга қайтариб бериш, муайян муддат ва устама олиш принциплари асосида етказиб беришда хизмат кўрсатади.

Маркетинг иқтисодий категорияси эркин бозордаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш билан бир қаторда, кучли рақобат мухити ва истеъмолчи ёхуд харидорлар учун товар, хизмат ва ишларни танлаш имкониятининг пайдо бўлишига кўмак беради.

Худди шундай тартибда барча иқтисодий категорияларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини таърифлаб аҳамиятини асослаб бериш мумкин, албатта. Аммо биздаги имкониятнинг чекланганлигини эътиборга олиб, МДХ давлатларининг сиёсий мустақиллиги билан миллий иқтисодиётга изчил кириб келган ва жадал ривожланаётган котеҗриялардан бири **инвестиция** иқтисодий категорияси ва унинг алоҳида мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали ташкил этиш ва ривожлантиришдаги ўрнига кўпроқ эътиборни қаратишга жазм қилдик.

Мақсадга самарали эришиш учун, аввало, инвестиция иқтисодий категориясига таъриф бериш лозим. Чунки қисқа таъриф орқали ҳам унинг аҳамияти ва ҳарорати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин. Инвестиция ҳақида айнан инвестицияларга бағишланган меъёрий ҳужжатларда, шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий чиқишларида мазмунан бири-бирига яқин, аммо шаклан бир-биридан фарқ қилувчи таърифлар бериб ўтилган, албатта. Шу берилган таърифларни бир-бирига уйғунлаштирган ҳолда инвестицияларга қуйидагича иқтисодий таъриф бериш мумкин: **“Инвестиция - бу инвестор (давлат, хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар)ларнинг ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини иқтисодий самара (тушум, даромад, фойда) олиш учун йўналтирилган қийматлар йиғиндисидир”**. Ушбу иқтисодий таърифта қисқача изоҳ бериладиган бўлса, у қуйидагича мазмунга эга бўлади. Яъни, ҳар бир алоҳида мамлакатда амалга оширилаётган инвестицион сиёсат ижобий кўрсаткич ила

қарор топса демак, у давлатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари юксалиш тенденциясига эга бўладди. Мабодо, инвестицион сиёсатда депсиниш намоён бўладиган бўлса, юқорида зикр этилган ҳолат билан намоён бўлиб, ялпи ички маҳсулот ўтган йилдаги кўрсаткичига қараганда пасайиш динамикасига эга бўлади.

Инвестицияларнинг айнан мана шундай хусусиятга эга бўлганлигини эътироф этган Президентимиз И.А. Каримов ўтган асрнинг сўнгги йилларида шундай фикрларни алоҳида қайд этган эди: **“Ўзбекистон ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараққиёт режаси ва дастурларини тузганда биз аввало нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг кучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг фахримизга. Ўзимизнинг ғуруримизга ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгиладик. Лекин шу йўл билан бирга, фақат шу мезонга, шу омилга суяниб кўп нарсага эришиш мумкин эмас. Тараққиёт учун сармоя керак, инвестиция керак”**¹.

Бизнингча, Президентимизнинг олға сурган ушбу даъватлари ўз вақтида, юқори ҳарорат ва кенг кўламга эга бўлган фикрлардан биридир. Чунки, тараққиёт учун янада аниқлик киритмоқчи бўлсак, мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг юксалиши учун, аввало, инвестиция кераклиги аниқ далиллар орқали намоён этилган.

Хўш, тарих учун қисқа даврда тараққиёт учун зарур бўлган инвестицияларни ташкил этиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида қандай чора - тадбирлар амалга оширилди?

Барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби даставвал инвестицияларни мувофиқлаштириб турувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил жорий этила бошланди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1999 йил.

- Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель.

- Ўзбекистон Республикасининг **“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”**ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.

- 2005 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

- Вазирлар Маҳкамасининг инвестициялар ва инвестицион фаолиятга дахлдор бўлган қатор қарорлари.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, инвестицияларнинг тараққиёт учун нақадар зарурлигини эътироф этиб, давр талабига мослаштириш мақсадида **“Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 %га кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 %ини ташкил этади.**

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999, 46- б.

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 %и ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 %га яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 %ни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 %ини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир”².

Бошқа МДХ давлатларидан фарқли ўлароқ, мамлакатимизда биринчилар қатори чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Мазкур меъёрий ҳужжат ҳам давр талабига мос равишда такомиллашиб бормоқда, албатта. Ушбу қонуннинг таъсири остида миллий иқтисодиётда минглаб хорижий инвестицияларга асосланган хўжалик субъектлари барпо этилди ва ҳозирги кунга келиб уларда юзминглаб меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами иш ўринлари билан таъминланди. Натижада, мамлакатдаги ишсизлар миқдори пасайиб, ижтимоий муаммолар ҳам барҳам топишга қулай имкониятлар туғилмоқда.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида, барқарор ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган инвесторлар инвестиция қилинаётган давлат, минтақа, корхона ёки лойиҳа қачонки юқори иқтисодий самара бериши ҳақида қатъий ишонч ҳосил қилгандагина ўз маблағларини инвестициялаш учун қарор қабул қиладилар. Бу борада Президентимиз И.А. Каримов ўз чиқишларидан бирида шундай фикрни қайд этган эди: **“Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айниқса хусусий компания чуқур ислохотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур қафолат ва истиқболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди. Бу эса бизнинг зиммамизга хорижий инвестициялар учун имкон қадар кўп қулайлик яратилган муҳитни шакллантириш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклайди”³.**

Бундан ташқари, инвесторлар жуда талабчан ва қатъиятлидир, яъни улар ўзларини қондира оладиган иқтисодий самара (фойда, даромад) олишига амин бўлмагунича, ҳар хил иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий кўрсаткичларни талаб қилиши табиий. Шунинг учун инвестицион объектга инвесторларни жалб қилишда аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблар ва чуқур молиявий таҳлиллар талаб этилади.

Мустақилликнинг илк даврларида биз учун хорижий инвесторлар жуда зарур эди. Бунинг бир қатор объектив сабабалари бор эди, албатта.

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

Шу боис, аксарият инвестициялар ҳукумат кафолати остида келишни таъминлаб бериш устувор аҳамият касб этар эди. Лекин хорижий инвесторларни доимо ҳукумат кафолати остида кириб келишнинг ҳам муайян чегараси ва ҳажми мавжуд. Миллий иқтисодиётда ҳукумат кафолати билан кириб келган инвестиция лойиҳалари кўмагида зарур чора-тадбирлар амалга оширила бошланди.

Галдаги вазифа миллий иқтисодиётга хорижлик шерикларнинг ўз хоҳишига мувофиқ кириб келиши, шунингдек, инвестицияларнинг тўғридан-тўғри кўринишда бўлганига кўпроқ эътибор берилиш зарурати туғила бошланди. Хўш тўғридан-тўғри инвестицияларнинг мазмунига эга бўлиш учун инвестициялар қандай кўринишда бўлмоғи даркор. Махсус адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида тўғридан - тўғри инвестицияларни қуйидаги жиҳатлари билан инвестицияларнинг бошқа турларидан кескин ажратиш мумкин. Хусусан:

- тўғри (реал) капитални шакллантирувчи инвестиция тури узок муддатга мўлжалланган инвестиция бўлиб, асосий воситаларга сарфланади ва мамлакатдаги ишлаб чиқариш аппаратини янгиланиш кўрсаткичларини тезлаштиришга қулай имконият туғдиради;

- хўжалик субъектлари муомалага чиқарган оддий акцияларнинг 10 %дан ортиқ қисмини харид қилган инвесторлар ҳам тўғри инвестициялар ҳажмининг кўпайишига олиб келувчи иқтисодий-молиявий кўрсаткич ҳисобланади;

Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ушбу устувор жиҳатлари ўз навбатида амалдаги меъёрий ҳужжатларга қисман ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни тақозо этиб қўйди. Зеро, бу борада Президентимиз тўғридан-тўғри инвестицияларнинг устуворлиги ҳақида жорий асрнинг илк кунларидаёқ шундай деган эди: **“Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман, жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур”**⁴.

2005 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ, хорижий тўғридан-тўғри хусусий инвестицияни жалб этган корхона асосий фаолияти бўйича қуйидаги солиқларни тўлашдан озод этилган:

- Юридик шахслардан фойда солиғи.
- Мол-мулк солиғи.
- Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.
- Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл фондига ажратмалар.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, юқорида зикр этилган солиқ имтиёзлари ҳамма корхона учун ҳам бирдек таалуқли эмас. Унга эга бўлиш учун хўжалик

⁴ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. //Халқ сўзи, 2001 йил 17 февраль.

субъекти устав фондида хорижлик шерикнинг инвестиция улуши куйидаги хажмда бўлиши шарт:

- 300,000 АҚШ долл. - 3 млн. АҚШ \$ гача миқдорда – 3 йилгача;
- 3 млн. АҚШ долл. -10 млн. долл. гача миқдорда - 5 йилгача;
- 10 млн. АҚШ долл. дан ошган миқдорда - 7 йилгача.

Фармон қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилгандан кейин миллий иқтисодиётда кескин ўзгаришлар юз берди. Ҳукумат қафолати билан кириб келаётган инвестиция лойиҳалари билан ўз хоҳишига биноан кириб келаётган инвестициялар нисбатига назар соладиган бўлсак, қандай ўзгаришлар содир бўлганлигига янада равшанроқ амин бўламиз (1- диаграмма).

1-диаграмма маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, манзара куйидагича намоён бўлади. 2006-2010 йилларга қадар хорижий инвестицияларнинг жалб этилишида ҳукумат томонидан қафолатланган инвестициялар тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестицияларга қараганда бир неча баробар кўп бўлган. 2005 йил 11 апрелдаги Президент Фармони қабул қилингандан кейин эса манзара тескари тарафга қараб ўзгаришга мойил бўлган. Яъни, 2006-2008 молия йиллар мобайнида ҳукумат қафолатланган инвестицияларга нисбатан тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестициялар кўлами анча ортиб кетганлиги намоён бўлмоқда. Бу шундан далолат берадики, қабул қилинган меъёрий ҳужжатнинг фойдалилик коэффициенти юқори бўлганлигидандир.

1-диаграмма⁵

Ўзбекистон миллий иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар (млн. АҚШ долл.да)



⁵ Туляганов Ш.А. “Худудларда инвестицион муҳитни яхшилаш, ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишдаги маъмурий ва иқтисодий тўсиқларга барҳам бериш масалалари. 2010 йилги давлат ва ҳудудий инвестиция дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва худудларнинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳокимларнинг асосий вазифалари” ДЖҚА, 2011 йил.

Тўғридан-тўғри инвестицияларни бошқа турдаги инвестицияларга қараганда бир қатор устувор жиҳатлари мавжудлигини жаҳон бозорида самарали иштирок этаётган ривожланган мамлакатларнинг амалий тажрибаси намоён қилган ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Бизнинг назаримизда, миллий иқтисодиётда тўғридан-тўғри инвестициялар ривож топишига бир қатор сабаблар мавжуд, уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

⇒ мамлакатда ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ишсизлик миқдорини камайтиришга яқиндан кўмак беради;

⇒ республикада янги иш ўринларининг пайдо бўлиши, ўз навбатида, янги солиқ тўловчи субъект (юримдик ва жисмоний шахслар)лар қатламининг кенгайишига олиб келиб, солиқ юкини янада пасайтиришга қулай имконият туғдиради;

⇒ мамлакатда экспорт ва импорт ўртасидаги мувозанат экспортнинг юксалиши ва импортни камайишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, валюта захираларини тежаш билан бирга уларнинг ҳажмини оширишга ижобий туртки бўлади;

⇒ миллий иқтисодиётда ҳозир жуда зарур бўлган замонавий менежмент усул ва принципларини ўзлаштириш ортиқча молиявий маблағлар сарф этмасдан амалга ошириш имкониятлари туғилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ва мавжуд ҳолатларга таяниб хулоса қиладиган бўлсак, манзара унчалик ёмон эмас. Барча кўрсаткичлар муболағадек кетмоқда. Лекин, мавжуд илмий салоҳият, табиий ресурсларга бой минтақа ва арзон иш кучига эга бўлган давлатда амалдаги ҳолатни янада жадаллаштириш имкониятларига мойил. Бунинг учун президентимиз томонидан белгилаб берилаётган йўналишларни ҳаётга изчил татбиқ этишимиз ва давр талабига мос равишда илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқмоғимиз лозим.

Бизнинг фикримизча, мавжуд илмий салоҳиятга таяниб ва инвестиция имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, денгиз ва океан бандаргоҳларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти йўқлигини тўлиқ эътироф этган ҳолда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширмақ мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ худудлари ва йўл қурилиш йўналишларида хорижлик шериклар билан концессия шартномалари тузиб, ушбу тармоқдаги муаммолар кўламини қисқартиришни жадаллаштириш;

- қўшни мамлакатлар билан туташ бўлган минтақаларда дунёда эътироф этилган инвестициялар манбаи ҳисобланган эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш ва изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- хорижий тўғридан-тўғри инвестицияси мавжуд бўлган инвесторлар қуйидаги имкониятлари бўлган шароитда:

1. Эркин молиявий-моддий капитали.

2. Ноу-хау(замонавий техника ва технология)си.

3. Халқаро менежмент тажрибаларига эга бўлиши.

4. Халқаро бозорларга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти (яъни, трансмилий компаниялар ёки уларнинг филиаллари).

Мазкур кўрсаткичлар мажмуига эга бўлган хорижлик инвесторларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш учун максимал равишдаги молиявий имтиёзларни тақдим этиш.

Агар юқорида қайд этилган таклифларни қисман бўлса-да, миллий иқтисодиётга жорий этилишига эришадиган бўлсак, мухтарам Президентимизнинг қуйидаги талабларини янада жадал бажарилишига яқиндан ёрдам берган бўлар эдик: **“Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан - йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда.**

Шуни таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 %дан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда”⁶.

⁶ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.